

# Глобаллашув жараёнларида миллий ғояга эҳтиёжнинг ортиши

## Режа:

1. Глобаллашув тушунчаси ва унинг  
моҳияти.
2. Глобализм ва аксилглобализм.
3. Глобаллашув ва миллий ғояга  
эҳтиёж.



“Глобаллашув” атамасини  
дастлаб америкалик олим Т:  
Левитт 1983 йилда “Гарвард  
бизнес ревью” журналида эълон  
қилган мақоласида XX асрнинг  
80-йиллари бошларида  
иқтисодий соҳада содир бўлган  
ўзгаришларни юзага келтирган  
омил сифатида қўллаган эди.



глобаллашув лотин тилидаги globus-  
шар, француз тилидаги global –  
умумбашарий сўзларидан келтириб  
чиқарилган. Яъни, у ер қуррасининг  
бир бутунлигини ифодалаш ва дунё  
мамлакатлари ўртасида барча  
соҳаларнинг “ягоналигини”  
таъминлаш жараёни, омили  
сифатида ишлатилади.

Глобаллашув - турли  
мамлакатлар иқтисоди,  
маданияти, маънавияти,  
одамлари ўртасидаги ўзаро  
таъсир ва боғлиқликнинг  
кучайишидир.



# Б.Банди глобаллашув жараёнининг уч ўлчовли эканига урғу беради:

- Глобаллашув - муттасил давом этадиган тарихий жараён;
- Глобаллашув - жаҳоннинг гомогенлашуви ва универсаллашуви жараёни;
- глобаллашув-миллий чегараларнинг «ювилиб кетиш» жараёни.



# Глобаллашувга олиб келган сабаблар

1. Ишлаб чиқариш техникалари,  
транспорт, ахборот алмашинуви  
соҳаларидаги техникалар  
такомиллашиши, илмий  
кашфиётлар, улкан техникавий  
имкониятлар, универсал  
технологиялар



# Глобаллашувга олиб келган сабаблар

2. халқаро алоқаларнинг институционаллашув жараёнларининг кучайиши: БМТ ва унинг ихтисослашган ташкилотлари иқтисодиёт, маданият ва ижтимоий сиёсат соҳасида жаҳон миқёсида ҳамкорликни кенгайтирди ва чуқурлаштирди. Бутунжаҳон савдо ташкилоти, Халқаро Валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Европа тараққиёти ва тикланиш банки ташкилотлари иқтисодий алоқаларни ривожлантирди.

# Глобаллашувга олиб келган сабаблар

3. Глобаллашув жараёнини жаҳон аҳамиятига эга Мустамлакачиликнинг бартараф этилиши ҳам тезлаштирди. 1947 Ҳиндистон мустақилликка эришиши мустамлакачиликни парчаланишини бошлаб берган бўлса, 1960 йилда Африкада 17 та мамлакат мустақилликка эришди, 1991 йилда СССР парчаланиб пайдо бўлган мустақил давлатлар эркин халқаро алоқаларга киришди.

1. Глобалистлар – глобаллашув тарафдорлари.

Улар орасида давлат арбоблари, сиёсатдонлар, саноатчи ва бизнесменлар кўпроқ.

2. Аксилглобалистлар – глобаллашувга қарши бўлган кишилар. Улар орасида кўпроқ сўл кучлар, касаба уюшмалари ва ёшлар ташкилотининг вакиллари бор.

# Глобаллашувнинг ижобий жиҳатлари

давлатлар ва халқлар ўртасидаги  
интеграция ва ҳамкорлик  
алоқаларининг кучайиши, хорижий  
инвестициялар, капитал ва товарлар,  
ишчи кучининг эркин ҳаракати учун  
кулайликлар вужудга келиши, кўплаб  
янги иш ўринларининг яратилиши,

Глобаллашувнинг ижобий жиҳатлари  
замонавий коммуникация ва ахборот  
технологияларининг, илм-фан  
ютуқларининг тезлик билан  
тарқалиши, турли қадриятларнинг  
умуминсоний негизда уйғунлашуви,  
цивилизациялараро мулоқотнинг  
янги сифат касб этиши, экологик  
офатлар пайтида ўзаро ёрдам  
кўрсатиш имкониятларининг ортиши

# Глобаллашувнинг салбий оқибатлари

Саноати кам ривожланган  
мамлакатларда ишсизлик,  
аҳолининг маълум бир қисми  
қашшоқланиши, мамлакат  
иқтисодиёти ривожланган давлатлар  
иқтисодиётига ўта боғланиб қолиши



# Глобаллашувнинг салбий оқибатлари

- Ижтимоий тенгсизликнинг кучайиши;
- Ижтимоий қарама – қаршиликлар хавфи;
- Интеллектуалларнинг ривожланган мамлакатларга чиқиб кетиши;
- Ривожланган давлатларнинг кам ривожланган давлатларга босими, таъсири, таъзийқининг кучайиши.
- Халқаро жинойий бизнес – наркотиклар, қурол савдосининг кучайиши.
- Вайронкор ғоя ва мафкураларнинг жаҳон халқлари онгида тарқалиши.




# Марказий Осиё минтақасида мафкуравий жараёнларга ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар

- Интеграция жараёнларининг кучайиб бориши
- Мустақил давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайиши
- Диний ақидапарастликка қарши курашда умумий фаолият олиб бориш
- “Туркистон – умумий уйимиз” ғоясининг амалга ошиши
- Террорчиликка қарши кураш марказини ташкил этиш
- “6+3” гуруҳи фаолиятини кучайтириш



# Марказий Осиё минтақасида салбий таъсир кўрсатувчи мафкуравий таҳдидлар

- Ислом халифалиги байроғи остида мусулмон халқларини янги империяга бирлаштиришга интилишлар
- Тарихимизни, миллий қадриятларимиз ва диннинг моҳиятини соҳталаштиришга уринишлар
- Ёш мустақил давлатларни собиқ иттифоққа бирлаштириш ғояси
- Ахлоқсизлик ғояларини ёйиб халқни маънавий жиҳатдан бузишга интилишлар
- Турли мафкуравий воситалар орқали минтақавий ва давлатлараро можароларни келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатлар



Маҳатма  
Ганди

«Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини доим маҳкам беркитиб ўтира олмайман, чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу билан бирга очилган эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб уйимни ағдартўнтар қилиб ташлаши, ўзимни эса йиқитиб юборишини ҳам истамайман».

# *БМТнинг собиқ Бош котиби Кофе*

*Анан:*

“Миллионлаб ва миллионлаб  
фуқаролар ўзларининг шахсий  
тажрибаларидан шунга амин  
бўлмоқдаларки, глобаллашув  
тақдирнинг мукофоти эмас, балки  
уларнинг моддий фаровонлигини ёки  
уларнинг одатга айланиб қолган  
турмуш тарзини барбод қилувчи  
кучдир”.



“Оммавий маданият» деган  
ниқоб остида ахлоқий  
бузуқлик ва зўравонлик  
индивидуализм, эгоцентризм  
ғояларини тарқатиш, керак  
бўлса, шунинг ниқобидан  
бойлик орттириш, бошқа  
халқларнинг неча минг  
йиллик анъана ва  
қадриятлари, турмуш  
тарзининг маънавий  
негизларига беписандлик,  
уларни кўпоришга қаратилган  
хатарли таҳдидлар одамни  
ташвишга солмай кўймайди.





- “Оммавий маданият”нинг ёшлар тафаккурига салбий таъсири

**Оилада :**

Меҳрсиз, кўпол,  
оқибатсиз, қайсар,  
андишадан йироқ.

**Жамиятда тутган  
ўрни:**

Ишончсизлик,  
маъсулятсизлик,  
доимий бирхиллик.

Ижтимоий ҳаётда:  
диний қарашлардан  
йироқ, моддий  
мақсадсиз ҳаржлар,  
енгил қарашлар ва  
саёз фикрлар.

**Маънавий  
муҳити:**

Зиддиятли,  
асабий,  
этиборсиз,  
бетга чопар,  
манманлик.

Ахлоқий соҳада:  
ҳурматсизлик,  
сабрсиз ва  
бағрикенгликни  
унутиш,  
мулоҳазасизлик.

маҳсулот сертифициланган



# АЛМАЦИД

ЖИҒИЛДОН ҚАЙНАШИНИ  
ОЛДИНИ ОЛАДИ



SHAYANA FARM

Қўллаш учун мумкин бўлмаган ҳолатлар мавжуд. Қўллашдан аввал мутахассис билан маслаҳатлашинг.  
ХПН: Алюминийни гидроксид, магнийни гидроксид, натрийни альгинат, диметикон

Миллий ғоя жамиятни умумий мақсадлар йўлида бирлаштирувчи, уни ижтимоий тараққиёт кўндаланг қўяётган масалаларни ҳал қилишга уюштирувчи вазифаларни бажариш билан биргаликда, четдан бўлаётган ғоявий, маънавий таҳдидлардан жамиятни ҳимоялашда маънавий-мафкуравий қалқон вазифасини ҳам ўтайди.

Глобаллашув жараёнларида  
маънавий таҳдидларга қарши  
курашиш учун ғоявий тарбия,  
мафкуравий профилактика  
ишлари олиб бориш,  
фуқароларда мафкуравий  
иммунитетни шакллантириш,  
маънавий хавфсизликни  
таъминлаш тақозо қилинади.

# Тавсия этиладиган адабиётлар

Садулла Отамуратов

## ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МИЛЛАТ



САДУЛЛА ОТАМУРАТОВ

## ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ХАВФСИЗЛИК



Эътиборингиз учун  
рахмат!

